



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУЗ

АСТА NUUZ

**МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2020
1/2/1**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

А.Р. МАРАХИМОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ғ.И. БОТИРОВ – ф-м.ф.н.

Таҳрир ҳайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Ҳ. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Ганиева М.Ҳ. – соц.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Рўзиев Р.Ж. – с.ф.д., проф.

Тўхтаев Х.П. – ф.ф.н., доц.

Болтабоев Ҳ. – фил.ф.д., проф.

Маматов А. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Джумабаева Ж.Ш. – фил.ф.д., проф.

Ширинова Р.Ҳ. – фил.ф.д., проф.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2020

МУНДАРИЖА

Тарих

| | |
|---|----|
| Allanazarov S. Qadimgi Xorazmliklar yashagan geografik hudud hamda ularning antropologik tuzilishi..... | 3 |
| Гаффаров Ш., Равшанов Ш. Из истории политики переселения населения Туркестана (вторая половина XIX - начала XX века)..... | 7 |
| Ирискулов О. XIX асрнинг охири – XX аср бошларида самарканд ахолисининг миллий таркиби ва диний хаётидаги ўзгаришлар..... | 12 |

Фалсафа. Педагогика. Методика. Социология

| | |
|--|-----|
| Avazmatova M., Qodirova Sh. Classroom management strategies and effective usage of teacher interventions..... | 15 |
| Akramova N. New technologies in teaching foreign languages and their application in english lessons..... | 21 |
| Ауанасова А. Факторы общественного согласия и единства в Казахстане..... | 25 |
| Goirova S., Azimova M. Students` difficulties indevelopment of listening skills in learning foreign languages..... | 34 |
| Gofurova S., Matholikova A., Rahmatova Z. The role of information and communication technologies in teaching process of foreign languages in higher establishments..... | 38 |
| Боймуродов А. Умумий ўрта таълим тизимида информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитишнинг инновацион кластер модели..... | 42 |
| Дуланов Б., Хайдарова Ж. Ёшлар орасида тадбиркорлик мухити ва маданиятини шакллантириш – миллий ўзлиники англаш омили сифатида..... | 46 |
| Жабборов Ф. Кимёвий ўкув-белгили моделларининг дидактик функциялари..... | 54 |
| Жалолова П. Кредит-модул тизимида “физика” фани машгуулотларини акт асосида ташкил қилиши методикаси..... | 58 |
| Zarmasov Sh. O‘zbekistonda masofaviy ta’limdan foydalanishning SWOT tahlili..... | 62 |
| Истамова Н. Организационно – педагогические условия развития билингвизма у детей дошкольного возраста..... | 67 |
| Кунгирова Ш. Халқ ўйинларининг баркамол авлод тарбиясидаги роли..... | 71 |
| Кодиров М. Шарқ билан Farbning анъанавий-фалсафий мулоқоти ва унинг глобаллашув шароитидаги баъзи жиҳатлари..... | 74 |
| Кўнгиров И., Исмоилов К. Сиёсий маданият ва ахлоқий тарбия ўйғунлиги ижтимоий тараққиёт мезони..... | 79 |
| Kasimov F. Modern methods and approaches of assessing knowledge and skills in information technology classes..... | 83 |
| Муминова М., Набиев Ў., Махмудова М. Экологик билим ва кўнкималарни шакллантиришда педагогик технологиялар ва анъанавий дарс усулларини табиий фанларда кўллаш..... | 87 |
| Муратова Ш. Ўсмир ёшидаги ўғил болаларни оиласавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий жиҳатлари..... | 91 |
| Мухитдинова М. Умумий ўрта таълим битирувчиларини тил материалларига масофавий ўқитишнинг методик асослари..... | 95 |
| Nazarova N. Yoshlarda raqobatbardoshlik sifatlarini shakllantirishning konseptual asoslari..... | 101 |
| Oblokulova M. Using stories in teaching english to young learners..... | 105 |
| Оманова Г. Мактабгача таълим тизимида таълим сифати менежментини такомиллаштириш..... | 111 |
| Пирманова Г. Содержание внеаудиторных занятий по изучению историко-культурных памятников Англии..... | 115 |
| Пўлатов Ш. Маҳатма Ганди фалсафасида “куч ишлатмаслик” ғояси..... | 119 |
| Раззакова Н. Оила – қўш устунли айвон тимсолида..... | 123 |
| Рахматуллаева Д. Профессионал таълим муассасалари ўкувчиларида тадбиркорлик компетенциясини шакллантириш тамоиллари..... | 127 |
| Сайдкулов Н. Ёшлар сиёсий маданиятини ривожлантаришда таълим-тарбия тизимининг ўрни..... | 131 |
| Sairov Z. The United States policy in the Kyrgyz republic..... | 137 |
| Saidakhmedova S. Specific features of using authentic materials in teaching foreign languages..... | 141 |
| Султанов Р., Юсупов М. Таълимда математика фанини ўқитишдаги муаммолар ва уларнинг ечимида ахборот коммуникация технологияларининг аҳамияти..... | 144 |
| Suyunova N. Til ta’limida integrativ yondashuvni tashkil etishda sayohat darslarining ahamiyati..... | 147 |
| Khakimova G. Developing students’ creative abilities in organizing fine arts lessons in schools..... | 152 |
| Ходжиева Д. Инновационные технологии развивающего профессионального образования по углубленному изучению студентами гуманитарных предметов педагогических дисциплин..... | 156 |
| Худаярова Д. Современные инновационные технологии в профессиональной подготовке будущих учителей..... | 159 |
| Хуррамов А., Ражабов Ж. Умумий ўрта таълим муассасаларида информатиканинг вазифалари ва мазмуни..... | 163 |
| Эрназаров Д. Сиёсий толерантлик тамоилларининг давлат сиёсатидаги роли ва аҳамияти..... | 167 |

Филология

| | |
|--|-----|
| Adizova O., Abdullayeva N. Aziz Kayumov – the owner of encyclopedic knowledge..... | 171 |
| Barotova M. Original style in literary translation..... | 175 |
| Давлатова А. Абдулла Орипов поэтик тафаккурида Навоий адабий меросининг таъсири..... | 179 |
| Niyazova M. The use of methodological tools in the folk riddles of English and Uzbek literature..... | 184 |
| Xaydarova I. Morfonologik hodisalar va ularning tilshunoslikda o‘rganilish holati..... | 188 |
| Каримов Р. Тижорий матнда функционал белгининг роли..... | 192 |
| Қодирова Б. Фонетик терминларнинг қиёсий-типологик таҳлили (ўзбек ва қозоқ мактаб дарслклари асосида)..... | 196 |
| Мансурова М. Muxtor Avezovning ijodkor obrazini yaratish mahorati..... | 200 |
| Мухитдинова Н. Муҳаммад Ғозий изодида орифона қарашлар талқини..... | 203 |
| Рустамов И. Комиклик турлари тадқиқи..... | 207 |
| Рустамова Ш. Европа таржима назарияси тараққиётининг хронологик таснифи..... | 211 |
| Султанов Т. Муҳаммад Султон Валаднинг адабий меросини ўрганиши масалалари..... | 214 |
| Худойбердиева Г. Инглиз болалар адабиёти: Жоан Роулингнинг “Гарри Поттер” романлар тўплами ва асарнинг дунёё болалар адабиётида тутган ўрни..... | 219 |
| Юсубова Р. Ярашова Н. Метафоралар лисоний-маданий феномен сифатида..... | 223 |

Дилмурод ЭРНАЗАРОВ,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Сиёсий фанлар доктори (PhD) "Ижтимоий фанлар" кафедраси ўқитувчиси

E-mail:dilm79@inbox.ru

СИЁСИЙ ТОЛЕРАНТЛИК ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ ДАВЛАТ СИЁСАТИДАГИ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

Аннотация

Бугунги кунда “толерантлик” тушунчаси фалсафа, сиёсатшунослик, социология, психология ва бошқа ижтимоий фанлар тизимида кенг ишлатилмоқда. Бугунги кунда “толерантлик” тушунчаси Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларига чукур кириб бормоқда. Сиёсий толерантни мазмун-моҳияти, аҳамияти, унинг давлат ички сиёсат ва халқаро муносабатлар тизимда роли ва аҳамиятини очиб бериш кўрилаётган масаланинг муҳим жиҳати хисобланади.

Калит сўзлар: сиёсий толерантлик, сиёсий жараён, феномен, халқаро ноҳукумат ташкилотлар (ХНТ), демократия, қонун, сиёсий партия, мафкура.

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ПРИНЦИПОВ ПОЛИТИЧЕСКОЙ ТОЛЕРАНТНОСТИ В ПОЛИТИКЕ

Аннотация

Сегодня понятие «толерантность» широко используется в философии, политологии, социологии, психологии и других общественных науках. Сегодня понятие «толерантность» глубоко укоренилось во всех сферах общественно-политической жизни Узбекистана. Важным аспектом проблемы является раскрытие сущности и значения политической толерантности, ее роли и значения в системе внутренней политики и международных отношений.

Ключевые слова: политическая толерантность, политический процесс, феномен, международные неправительственные организации (МНПО), демократия, право, политическая партия, идеология.

ROLE AND SIGNIFICANCE OF PRINCIPLES OF POLITICAL TOLERANCE IN POLICY

Annotation

Today, the concept of "tolerance" is widely used in philosophy, political science, sociology, psychology and other social sciences. Today, the concept of "tolerance" is deeply rooted in all areas of the socio-political life of Uzbekistan. An important aspect of the problem is the disclosure of the essence and significance of political tolerance, its role and significance in the system of domestic politics and international relations.

Keywords: political tolerance, political process, phenomenon, international non-governmental organizations (INGOs), democracy, law, political party, ideology.

Кириш. Замонавий сиёсий жараёнда толерантлик муаммоси ҳар қандай давлатчиликнинг ривожланиш истиқболларини англаш учун алоҳида аҳамиятга эга. Толерантлик – бу ижтимоий ҳаётнинг турли томонларини ўз ичига олган мураккаб ва кўп қиррали ҳодисадир. Унинг таркибиға этник, милллатлараро, маданиятлараро, диний, сиёсий, ижтимоий, конфессиялараро ҳамжиҳатлик каби йўналишлар киради. Илмий доираларда сиёсий толерантлик масаласи қизғин баҳс-мунозара га сабаб бўлмоқда. Ўзбекистонда толерантликни юқори даражада бўлиши мамлакатни демократлаштириш жараёнларининг муҳим кўрсаткичидан биридир. Шунинг учун ҳам демократик янгиланишлар йўлидан кетаётган давлатларда сиёсий толерантлик масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон учун ҳам бу масала долзарб масала хисобланади.

Сиёсий толерантликнинг сиёсий жараёндаги роли ва аҳамияти унинг моҳиятидан келиб чиқади. Фуқароларнинг турли сиёсий қарашларга, ўзгаларининг фикрларига муносабати, халқаро муносабатлар, сиёсий жараёнлар субъектлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари ва давлат бошқаруви органлари ўртасидаги муносабатларидан сиёсий толерантликнинг турли шаклларини кўриш мумкин. Шахснинг сиёсий толерантлик даражаси уни кўп жиҳатдан унинг бошқа одамлар билан муносабатлар тизимини белгилаб беради. Кўпгина социологик ва сиёсий назарияларида жамиятнинг толерантлик даражаси, маънавий, ахлоқий, ижтимоий, сиёсий ва давлатни барқарор ривожланишининг асосий мезонларидан бири сифатида қаралади.

Асосий қисм. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда сиёсий толерантликни шакллантириш муаммоси гуманитар ва ижтимоий фанлар кесишимасида фаол тарзда ўрганилмоқда. Толерантлик дунё цивилизациясининг иқтисодий, ижтимоий, ахлоқий ва маънавий, маданий, сиёсий ва бошқа хусусиятларга кўра табақаланишида яққол намоён бўлмоқда. Шу билан бирга фуқароларнинг сиёсий жараёнларга муносабати ва идрок этиши даражаси бир хил эмас. Шунинг учун улар баъзи сиёсий жараёнларга токатсизлик муносабатида бўлади. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг ҳозирги ривожланиш босқичида фуқаролар ҳукумат, давлат идораларини турли халқаро ноҳукумат ташкилотлар (ХНТ), ННТларга, сиёсий партиялар, қолаверса, сиёсий жараёнларнинг бошқа субъектларига нисбатан бағрикенглик муносабатида бўлиши муҳим хисобланади.

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда диний ва миллий ўзликни англашга бўлган интилиш ижтимоий ҳаётнинг барча жабхаларида ўз аксини топа бошлади. 2017 йилда Ўзбекистон Президентининг “2017-2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” Фармони тасдиқлади. Стратегиянинг бешинчи йўналиши – хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний толерантликни таъминлаш, давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлашга, Ўзбекистон атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик камарини яратишга, мамлакатнинг халқаро обрўсини мустаҳкамлашга қаратилган мувозанатли, ўзаро манфаатли ва конструктив ташки сиёсатни амалга ошириш [1].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Хорижий давлатлар билан миллатлараро муносабатлар ва дўстона муносабатларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорида [2] жамиятда барқарорлик, тинчлик ва ҳамжиҳатликни янада таъминлашга, фуқаролар онгига катта, бирлашган кўп миллатли оиласа мансублик хиссини ҳар томонлама кўллаб-кувватлашга қаратилган. миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятини янада ривожлантириш, хорижий давлатлар билан маданий ва маърифий алокаларни кенгайтириш масалалари ўз аксини топган.

Бугунги кунда сиёсий толерантлик тамойилларини амалга ошириш бир қатор қийинчиликлар мавжуд. Яъни амалдаги қонунларга кўра кўп партиявилик тизимида партиялараро рақобатни кучайтириш талаб даражасида эмас. Конституцияга киритилган шу ва бошқа тузатишлар партиялараро курашга, ғоя ва дастурлар рақобатига, умуман, кўппартиявилик тизимини ривожлантиришга замин яратди. Аммо, ҳозирда берилган кенг имкониятлардан самарали фойдаланилмаяпти. Шу нуктаи назардан, хорижий илфор тажрибаларни қўллаш орқали партиялар ўртасида соғлом ва конструктив рақобатни юзага келтириш мақсадга мувофиқдир.

Толерантлик сиёсий фаолият сифатида Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан – миллий юксалишга, деган принципини амалга оширишнинг асосий шартига айланмоқда. Шубҳасиз, ҳозирги пайтда ушбу муаммоларнинг ечими толерантликнинг сиёсий жараёндаги ролини минтақавий жихатдан ўрганишнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистонда халқаро ноҳукумат ташкилотларига нисбатан сиёсий толерантлик муносабати

Хорижий тадқиқотчиларнинг қатор изланишларида ҳозирги халқаро муносабатларга оид қўйидаги тушунчалар ўз аксини топган: 1) “аполляр дунё” [3] 2) “кирғоксиз глобаллашув” [4] 3, “ассоциациялар инқилоби” [5]. Бироқ, таҳлиллар шуни кўрсатадики, миллий давлатни жаҳон сиёсатидаги нуфузи ва имиджини шаклланишида халқаро ноҳукумат ташкилотларнинг роли ва аҳамияти катта. Давлат қанчалик уларга нисбатан сиёсий толерант бўлса, ўзаро ҳамкорлик соҳалари янада кенгаяди. Давлатнинг барча соҳалардаги барқарор ривожланиши ва унинг жаҳон стандартларига тенглашиш жараёни кўзатилади. Бироқ, ҳар қандай толерантликнинг чегараси бўлгани каби, ХНТларга нисбатан сиёсий толерантликнинг ҳам чегараси бўлиши лозим.

Уларга нисбатан сиёсий толерантлик чегараси қандай ўрнатилади? Бунинг учун ХНТларни адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказиш вақтида уларнинг Низоми ва Ҳаракат Дастанлари асосида амалга ошириш лозим. ХНТларган сиёсий толерантлик муносабатида бўлиш ўша давлатнинг тарихи, миллий қадриятларига, урф-одатлари, сиёсий қарашлари, геосиёсий жойлашуви ва бошқа жихатларига мос келиш ёки келмаслиги асосий меъзон ҳисобланади.

ХХ аср охири – XXI асрнинг бошларида халқаро ноҳукумат ташкилотлар жаҳон сиёсий жараёнларидаги фаол иштирок эта бошлади. Бугунги кунда халқаро ноҳукумат ташкилотлар гуманитар, ижтимоий, конунчилик, инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш, экология, иқтисодиёт, илм-фан, журналистика, спорт, сиёсат, дин ва бошқа соҳаларда фаолият юритмоқда.

Бизнинг фикримизча, уларнинг аҳамиятини, биринчи навбатда, глобаллашув шароитида давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг турли моделлари ва жаҳон сиёсатининг бифуркацияси шароитида ХНТларнинг таъсир доираси ҳам кенгая бошлади. ХНТлар турли давлатлар, ҳукуматлар миллий жамоалар билан ишлаш орқали сиёсий ҳокимиятга тўғридан-тўғри ёки билвосита таъсир қилишга интилишади. Шу билан бирга, давлатлар ўзларининг ташки сиёсий воситаларини замонавий дунё сиёсатининг талабларига мувофиқ такомиллаштириш мақсадида ХНТлар салоҳиятидан унумли фойдаланишга интилишади.

Ўзбекистон сиёсати учун ХНТлар бу – глобал миқёсдаги ижтимоий-сиёсий институтдир. Бундан ташқари, сўнгги йилларда улар дунё глобал сиёсатини шакллантиришга тобора кўпроқ жалб килинмоқда. ХНТ икки хусусиятга эга. Битринчиси, улар халқаро фаолиятни замонавий жаҳон сиёсати субъектлари сифатида олиб боради. Иккинчиси, улар ўзларининг шахсий манфаатларига ва халқаро миқёсда қарор қабул қилишга таъсир кўрсатиш қобилиятига эга. ХНТлар тармоқ тузилмаси сифатида давлатлар манфаатларини ҳимоя қилиш воситаси сифатида ишлай олади. ХНТларнинг тармоқ тузилмалари давлатлар томонидан ташки сиёсий мақсадларига эришиш воситаси сифатида кенг кўламда фойдаланилмоқда.

Ўзбекистоннинг ХНТ билан ўзаро ҳамкорлиги икки асосий шаклда амалга оширилади: субъектив ва инструментал. Ўзбекистон замонавий халқаро сиёсатнинг мустақил субъектлари сифатида ХНТ билан ўзаро ҳамкорлик қиласи. Ўзбекистон ўзининг ташки сиёсатини амалга ошириш учун ХНТлардан юмшоқ куч воситаси сифатида фойдаланади.

Шундай килиб, бир қатор давлатларнинг ташки сиёсати воситаси сифатида ХНТларнинг таъсир доираси бир қатор омилларга бевосита боғлиқ;

1) ХНТлар фаолиятини тартибга солувчи қонунларнинг ижтимоий-сиёсий ҳолати мавжудлиги ва етарлилиги;

2) ҳокимиятнинг изжро этувчи ёки қонунчилик тузилмаларида ХНТ билан ўзаро алокалар бўйича органнинг мавжудлиги;

3) ХНТларни солиқса тортиш шакллари;

4) ХНТлар фаолиятини қўллаб-қувватловчи ташкилотлар ёки дастурларни тўғридан-тўғри ёки бильосита молиялашириш шакллари;

5) ХНТни молиялашириш шаффофлигини текшириш амалиёти ва бошқалар.

Сиёсий толерантлик - мафкура сифатида

Ҳозирги кунда жамият чуқур тизимли ўзгаришларни бошдан кечираётган бир пайтда, қадриятлар ўзгариб, халқимизнинг янги менталитети шаклланмоқда “Толерантлик” тушунчаси ўз мазмун-моҳиятига кўра, ғайриоддий мафкурадан тортиб, ўта мураккаб бўлган шахсни, жамият ва давлатнинг мафкураси сифатида намоён бўлмоқда.

Сиёсий толерантлик - жамият сиёсий соҳаси субъектлари, сиёсий мафкуралар, сиёсий қадриятлар ва сиёсий ҳаракатларнинг ташувчиси сифатида намоён бўлади. Бу, биринчи навбатда, турли сиёсий субъектларнинг позициясидир, бу сиёсий ракибларнинг ўзларининг фикрлари, ғоялари, фаолияти ва бошқаларга нисбатан томонларнинг ўзаро хурматига асосланган толерант муносабатида намоён бўлади.

Толерантлик ғояси содда кўриниши мумкин, аммо унинг муносаби таърифи контекстга боғлиқ ҳолда - мафкуравий, диний ёки бошқа жиҳатдан унинг ўзига хос мазмуни ҳисобга олинганда юзага келади. Афсуски, тарихий шароитлар туфайли, Ўзбекистон халқининг менталитети тоталитаризм руҳи асосида ривожланди.

Замонавий босқичда толерантликнинг сиёсий контексти тоталитар ва миллатчилик тизимларига қарши бўлган либералистик ғоялар асосида шаклланиши мумкин. Толерантлик маданияти мулоқот шаклида сиёсатга нисбатан - сиёсий мулоқот шаклида намоён бўлади. Унинг ёрдамида нафақат маълум бир миллат ёки диний мазхаб вакилларини, балки толерант дунёкарашга эга бўлган инсонни кўришга ёрдам беради. Толерантлик хулқ-автор нафақат сиёсий танлов, балки ахлоқий ва маънавий танловдир.

Сиёсий толерантлик “ҳокимиятнинг жамият ва ўз фуқароларининг ўзгача фикрлашларга йўл кўйишга тайёрлиги, конституция доирасида мухолифат фаолиятига йўл бериш, сиёсий курашда мағлубиятни етарли даражада тан олиш, сиёсий плорализмни давлатдаги хилма-хилликнинг намойиши сифатида қабул килишдир” [6].

Рус сиёсатшуноси Е.Б.Шестопал сиёсий толерантликни куйидагича таърифлайди. “Сиёсий толерантлик – бу сиёсий мухолиф вакилларга ва умуман сиёсий мухолифатга нисбатан толерантлик”, деб хисоблайди [7].

Россиялик социолог М.С.Мацковский сиёсий толерантликни “Турли партиялар ва бирлашмаларнинг фаолиятига, уларнинг аъзолари баёнотларига ва бошқаларга муносабат” деб таърифлайди [8].

Толерантлик феноменини категория сифатида кўриб чиқишимиз мумкин. Унинг таркибий қисми сифатида турли фалсафий, ахлоқий, мафкуравий тушунчалар ва ижтимоий идеаллар ташкил этади.

Масалан, В.П.Макаренкога кўра, толерантлик муаммоси икки асосий жиҳатларда пайдо бўлади – биринчиси, инсонларнинг бир-бирига бўлган бефарқлиги ва иккинчиси, уларнинг бир бирига бўлган қизиқишининг ортиши [9].

В.Б.Шалиннинг сўзларига кўра, “толерантлик инсоннинг турли фикрлари, ниятлари, карашлари, зўравонликка мурожаат қиласдан, инсон қадр-кимматини камситмасдан ва инсонпарварлик имкониятларидан фойдаланган ҳолда – ўзаро мулоқот, тушунириш, ҳамкорликда тушунишда намоён бўлади [10].

Сиёсий толерантлик феноменини инсон ҳаётининг қадрият йўналиши нуқтай назаридан ўрганиш, толерантликни инсоннинг биргаликдаги ҳаётини ташкил этувчи энг муҳим аксиологик шакллардан бирни сифатида тушунишга имкон беради. Шу сабабли, замонавий Ўзбекистонда давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги мулоқот алокалари соҳасидаги сиёсатшунослик соҳасидаги толерантликни ҳисобга олиш долзарбdir.

Шунингдек, турли назариётчилар учун сиёсий толерантликнинг аҳамияти ва роли муҳимдир. Ушбу таҳлилда тадқиқотчилар демократик назарияни тушунишда учта тафовутни аниклаб беради:

1. Либерал-демократик назария ва сиёсий толерантлик.

2. Консерватив-демократик назария ва сиёсий толерантлик;

3. Федералистик демократия ёки конституциявий демократик назария ва сиёсий толерантлик.

Бизнинг фикримизча, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда консерватив-демократик назария ва сиёсий толерантлик ривожланмоқда. Биз ўз тараққиётимиз учун барча меъёрларни ва сиёсий, демократик қадриятларни тўлиқ қабул қила олмаймиз.

Бир қатор олимлар демократиянинг турли хил ва турларини ажратиб қўрсатишади - колективист, мажоритар, фуқаролик, элитистик, плюралистик, консенсус ва бошқалар. Шу билан бирга, Ўзбекистонда сиёсий толерантлик сиёсий ҳукуқлар, фуқаролик эркинликлари ва оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини ифода этиш учун зарур шарт-шароитлар мавжудлиги билан ажралиб турди. Бу эса сиёсий қадриятлар эволюциясини белгиловчи муҳим таркибий кисм бўлган ижтимоий-маданий ўзгаришлар мавжуд, деган фаразни илгари суришга имкон берди.

Хулоса. Ўзбекистонда демократиянинг шаклланиши ва ривожланиши унинг етуклик даражаси ва унинг маънавий ва ижтимоий-иктисодий жиҳатлари билан ривожланиши билан боғлиқ. Мамлакатимизда шаклланган иқтисодий плюрализм - сиёсий плюрализмнинг шаклланишига олиб келди. Сиёсий ҳокимият турли рақобатбардош ижтимоий ва сиёсий кучлар ўртасида бўлинини талаб қиласи. Сиёсий плюрализм кўплаб ҳокимият марказлари, ахборот манбалари ва жамиятдаги эркини фикрларнинг шаклланишини ўзида мужассамлаштиради.

Бундай шароитда сиёсий толерантлик - сиёсий жараёнлар субъектлари ўртасидаги сиёсий муносабатларнинг барқарорлигининг кафолати сифатида намоён бўлади. Ўзининг тарихий ривожланишида толерантлик тушунчasi жуда кенг маънога эга бўлди. У жамиятнинг деярли барча соҳаларини қамраб олади, яъни буларга дин, оила, психология, ҳуқуқ, сиёsat ва ҳоказолар.

Толерантлик деганда, аввалимбор, унинг барча субъектларининг эркинлиги тушунилади, бу бошка мавзуларга зарар етказмасдан маълум бир фикр ёки foяга амал килиш ҳуқуқидан иборат.

Шундай килиб, Ўзбекистонда сиёсий толерантлик шахсларнинг турли хил сиёсий қарашлари, ижтимоий ҳаракатлар, ташкилотлар, партиялар, ахборот тузилмалари, давлатлар, халқаро ташкилотлар ва бошқалар ўртасидаги муносабатлари асосида шаклланади.

АДАБИЁТЛАР

1. "Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan", February 13, 2017, N 6, Art. 70.
2. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to further improve interethnic relations and friendly relations with foreign countries" // Narodnoe Slovo, 2017. May 23. www.xs.uz
3. Ferguson N. A world without power // Hoover institution digest. – 2004. – № 4.
4. Cheshkov M.A. Global studies as scientific knowledge. Essays on the theory and categorial apparatus. - M.: Scientific and educational forum on international relations, 2005. - S. 176-180.
5. Salamon L. Holding the Center: America's Nonprofit Sector at a Crossroads. – N.Y.: Nathan Cummings Foundation, 1997. – P. 42-45.
6. Asmolov, A. G. On the meanings of the concept of "tolerance" / A. G. Asmolov, G. U. Soldatova, L. A. Shaigerova // Century of tolerance. - 2001. - No. 1-2. - Access mode: <http://www.tolerance.ru/vek-tol/1-0-asmolov2.html>. - Access date: 08/09/2011.
7. Erica Marat, "The ERK Protest Sets Out a Precedent for Karimov to Revise Relations with Political Opposition," Central Asia-Caucasus Analyst, November 5, 2003.
8. Human Rights Watch, "Uzbekistan: Events of 2005." <https://www.hrw.org/world-report/2006/country-chapters/uzbekistan>.
9. Makarenko V.P. Russian power. Rostov an Don, 1998
10. Shalin V.V. Tolerance (Cultural norm or political necessity). Rostov an Don 2000.